

Хазойин ул-маоний

Бадоеъ ул-васат

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

*АЛИФ ҲАРФИНИНГ ОФАТЛАРИНИНГ
ИБТИДОСИ «БАДОЕЪ»ДИН*

1

Эй навбахори оразинг субҳиға жонпарвар ҳаво,
Андин гулу булбул топиб юз барг бирла минг наво.

Тўбию шохи Сидрадур кўюнг гиёҳи, негаким
Ушшок ашку оҳидин ҳар дам топар сую ҳаво.

Заҳри фирокингдин қаю ошиқки бўлди талхком,
Нўши висолинг етмаса, Исо анга топмас даво.

Чун Қозиюл хожот сен даъвои маҳринг қилғали,
Дарду фироқ андуҳидин келтурмишам икки гуво.

Қилмай қабул ижоднинг имкони йўк, сўнгра яна
Мақбулини рад айламак лутфунгдин ўлғайму раво.

Зоҳид, кўнгулнинг хилватин матлуб ғайридин орит,
Сен сайр қилсанг қил, керак кўнгулунга бўлса инзиво.

Десанг, Навоий, жон аро маҳбуб бўлғай жилвагар,
Аввал кўнгул кўзгусидин маҳв айла нақши мосиво.

2

Не сунъунгдин ажаб юз минг жаҳон бўлмоқ яна пайдо,
Не мулкунга халал юз минг жаҳондек бўлса нопаддо.

Не поёни жалолу кибриёдурким тафовут йўк,
Агар юз минг жаҳондек бўлса нопаддо ваё пайдо.

Азал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал бирла охирким,
Анга йўк ибтидо пайдо, мунга йўк интиҳо пайдо.

Ироданг бирла тақдирингдин ўлғай икки кавн ичра,
Агар бўлса фано зоҳир вагар бўлса бако пайдо.

Фалак ҳам ожиз, ахтар ҳам забун, сайру сукун ичра,
Ки сендиндур, не бўлса анжуму афлок аро пайдо.

Баҳона уммахот ўлдию обо, йўкса сунъунгдин,
Ато бирла аноға не атову не ано пайдо.

Нечаким баҳр ила кон бўлса, сендин тарбият етмай,
Эмастур мумкин ўлмоқ дурру лаъли бебаҳо пайдо.

Чу баҳри раҳматинг мавж урса, пайдо бўлмағай хасча,
Неча журм аҳлидинким бўлса юз кўҳи хато пайдо.

Навоийнинг тилин шукрунгға гўё айлаким, бўлғай
Анга ҳамдинг гулистонида ҳар дам юз наво пайдо.

3

Эй, килиб лутфу ато бирла улус коми раво,
Эй, вужуду адам иккиси вужудингға гуво.

Сен солиб навъи башар хайли мизожи аро заъф,
Сендин афлок тибоида қавий барча қуво.

Офариниш сипоҳида бир эмас юз мингдин
Меҳрим, чекти фалак буржида зарбафт ливо.

Етмаса гарди раҳинг кўҳли бўлуб Рухуллох
Ожиз айлар чоғи хуффош амосиға даво.

Лутфунг оллида кириб Равзаға аҳли исён,
Қаҳринг ўлғанда тушуб вайлға аҳли такво.

Шарқдин ғарбни бир дам бориб аҳли талабинг,
Ким бўлуб ҳиммат аёғи била ул қавм раво.

Гулшани васлинга ҳар қушки ҳаво кўргузди,
Етмади лек агар етти килиб эрди ҳаво.

Зотинга ғайрни кимса начук этгай ташбих,
Мосиваллоҳ чу саво келдию ул зот сиво.

Ё Раб, ул барг насиб этки, Навоий топқай
Боғи тавҳид гулу булбулидек баргу наво.

4

Эй, жамолинг жилваси миръот инсу жон аро,
Лек ўлуб ул жилва комил мазҳари инсон аро.

Топмаган бўлса лабингнинг шарбатидин чошни,
Бас бу не жонбахшлиқдур чашмаи ҳайвон аро?

Нега олам ўртади, хуснунг ўтидин ламъае,
Тушмаган бўлса жамоли Юсуфи Канъон аро?

Тушмаган бўлса қуёшингдин қўлиға партаве,
Бас не байзо эрди жайби Мусои Имрон аро.

Эсмайин лутфунг риёзидин чаман сори насим,
Гулга булбул қайда волих бўлди бу бўстон аро.

Файз агар олмас вужудунг гулситони атридин,
Шаммаи нақши вужуд имкон эмас имкон аро.

Тортибон солғил Навойини карам дарёсиға,
Ким бўлбутур ғарқа баҳри бодаи исён аро.

5

Ё Раб, ўлгон чоғда жоним жисми вайрондин жудо,
Ул бўлб мундин жудо, сен бўлмағил ондин жудо.

Чун жудо бўлсам мени ғамнок йўқу бордин
Не ғамим, сен бўлмасанг мен зори ҳайрондин жудо.

Нақди жон чиққанда имон гавҳарин қўнглумга сол,
Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо.

Хонумондин ойириб, қилғанда зиндон ичра ҳибс
Қилма лутфунг мен алохону аломондин жудо.

Ҳашр ғавғоси аро осийлиғимға раҳм қил,
Лутф ила илгим тутуб, қил аҳли исёндин жудо.

Гарчи ўлдум кофири ишқ аҳли ислом ичра қот,
Ул замонким бўлғуси кофир мусулмондин жудо

Элга махлас истасанг, етти тамуғни айла қул,
Айлабон бир шуъла бу охи дурахшондин жудо.

Жаннат истаб айлаганларни ибодат, қилмағил
Кавсару тўбию қасру хуру ризвондин жудо.

Барчадин айру Навойиға қилиб васлинг насиб,
Қилмағил, ё Раб, ани мундин, муни андин жудо.

Эй гулшани рухсоринг ўлуб даҳрға оро,
Рухсор уза сочинг гул уза анбари соро.

Гунг этти Масихонию тор этти қуёшни,
Ул нутқи дилором ила ул ҳусни дилоро.

Гесуву юзунг сунбулию барги гулидин,
Девонамену шифта лайлан ва наҳоро.

Ул ердаки раҳшинг қилибон жилваи парвоз,
Учмоққа фалак қушлариға анда не ёро?

Заҳм элдин ўлуб зоҳиру сендин бори марҳам,
Эл унф аён айлабу сен барча мадоро.

Лаълингға етиб хора агарчи ушатибдур,
Чун анда етиб лаъл бўлуб кадрда хоро.

Билди чу ҳадисингни саҳиҳ, эмди Навоий,
Маскан чу тилар бўлса не Батҳо, не Бухоро.

Эй, санга муқтадолик ики кавн аро,
Анта хайрул башар, анта хайрул варо.

Кимки фавқус Сурайё эди манзили,
Тобеъинг бўлмағач кирди таҳтас-саро.

Зотинга фаҳр этиб етмиш икки фарик,
Оразинг шамъидин ёруб икки саро.

Нафсинга раҳмати Ҳақ била иктирон,
Муъжиз отингға сихру фусун ифтиро.

Ҳашрға тегру меърожинг афсонаси,
Хайл-хайл малойик аро можаро.

Ҳам Рафрафингға Арши баринда макон,
Ҳам Буроқингға Хулди баринда чаро.

Ким касофат била қўйди юз наътингга,
Гар қуёш эрдиким, бўлди юзи қаро.

Ё набийаллоҳ, аҳволима қил назар,
Журму исёну ожизлиғим мо таро.

То анинг бирла бўлғай, Навоий, сенинг
Наъту ҳамдинг баёнига дostonсаро.

8

Улки ишқ аҳлини ўлтурмак эрур одат анга,
Жон керак бўлса кўнгул айламагай рағбат анга.

Ҳажр муҳлик эканин мундоқ агар билсам эди,
Тутмағай эрдим агар ўлсам эди улфат анга.

Ул парий суратиға телба кўнгул бўлди асир,
Ишқ аро, войки, юзланди ажаб сурат анга.

Юзи кўзни ёритур, лек куёш хира қилур,
Билур улким кўзи борким, мунга йўқ нисбат анга.

Тош урарлар мени мажнунғаки, қозмиш Фарход,
Ишқ аро менча қачон эрди экин шиддат анга?

Ўлди Мажнун кўрубон дилбарину мен кўрмай,
Менча йўқ эрди экин ўлганида ҳасрат анга.

Дийда побўсин аёғингга магар элтур ашқ,
Йўқ эса мунча югурмакда недур суръат анга?

Мени саргаштада ҳижрон ўкидин минг пайкон,
Чархи гардонға мушобих кўрунур хайъат анга.

Даҳрнинг гулшанидин бўйи вафо тутма тамаъ,
Ким сабо машшотаси сепмади бу накҳат анга.

Эй хуш ул риндки, муғ дайрини қилди маскан,
Етса ҳам муғбачалар ишқида юз офат анга.

Эй кўнгул, қўйма Навоийники, хушёр ўлғай,
Кўп етардек эса даврон элидин меҳнат анга.

9

Килк эрур жисмимки, тил бўлмиш демақдин лол анга,
Ичда печу тоблиғ ноламни англа, нол анга.

Сунъ килкидин ёзилди гўё ул гўйи зақан,
Нукталар янглиғ занаҳдонингда икки хол анга.

Коқулунг элга жаҳонни тийра қилғон дуд эрур,
Ҳар сари зулфунг ики ёнида тушкан дол анга.

Кўйида овора кўнглум хаста эрмиш, эй рафик,
Лутф этиб маълум қилсангким, не бўлмиш ҳол анга.

Эй мусаввир, топмасанг Лайлию Мажнун чехрасин,
Дилбаримни бил мунга ўхшаш, мени тимсол анга.

Сокиё, кўнглумни даврон қилди кўптин-кўп малул,
Бўлғали фориг керак бир жоми молмомол анга.

Эй Навоий, кимки қилди ҳажр бедодин қабул,
Раҳбари сарманзили васл ўлди бу иқбол анга.

10

Лаъли лабингки, жоним эрур мубтало анга,
Махлас демонки, истарам ўлғай фидо анга.

Ҳажринг балосига не илож айлагай Масих,
Ранжедур улки захр емақдур даво анга.

Васлинг қушики ашк ила оҳимдин этти рам,
Гўё ярашмади бу су бирла ҳаво анга.

Марям киби ано эди тукқонда ул Масих,
Тарсо эмон десамки, ким эрди ато анга.

Дашномим этса шод нечук бўлмайинки, мен
Андоқ ҳақирменки, дей олмон дуо анга.

Соқий майеки, ёр лабу орази киби
Бўлғай назар харимида рангу сафо анга.

То ичсам ани ул юзу лаб жилва айласа,
Жон кўзгусида рафъ бўлуб мосиво анга.

Улким замона аҳлидин истар вафову меҳр,
Ким нақши меҳр кўрди мунга ё вафо анга?

Айб этмангиз, Навоий агар бўлса бенаво,
Кўйдиму даври чархи муҳолиф наво анга.

11

Ҳажридин ҳар нечаким бўлди кўнгул зор манга,
Ҳеч раҳм этмади ул шўхи жафокор манга.

Ғунчадекдурким, очарлар куч ила баргларин,

Бўлғали ҳажрида қонлиғ кўнгул афғор манга.

Оташин лаълдек ахгар тўкадурлар ҳар дам,
Лаби ҳажрида ики дийдаи хунбор манга.

Зулфидин шиддати куфрум эрур ул ҳадғачаким,
Субҳа торича эрур риштаи зуннор манга.

Яхшироқ равза саводидин, агар даст берур
Ул қуёш кўйида бир сояи девор манга.

Чунки бу қуббаи хазро аро жуз ходиса йўқ,
Эй кўнгул, авло эрур кулбаи хаммор манга.

Эй Навоий, не маю мутрибу не ҳусну не ишқ
Хонақах тарки эрур, англаки, ночор манга.

12

Лабларингдин гарчи қон ютмоқ дамо-дамдур манга,
Гар даме жоми висолинг йикса, не ғамдур манга?!

Панд эшитмай, кўруб они, юз балоға учрадим,
Кўзларим чиксунки, юз мунча сазо камдур манга!

Қофи шавқум шарҳини таҳрир қилдим, ваҳ, не суд,
Ким анга ирсол учун Семурғ маҳрамдур манга.

Ёрким, мундок ниҳондур кўздину мен телбамен,
Ким дегайким, фитна бўлган насли одамдур манга.

Қаро чирмаб ёш тўкуб, афғон қилурмен хомадек,
Иткали нолон кўнгул бу навъ мотамдур манга.

Ўзга юзга боқма деб, бир-бир кўзумға бости муҳр,
Ийнак-ийнак ҳар қаро бир нақши хотамдур манга.

Даҳр аро тушкан ҳаводис ўтидин монеъ эмас,
Кўз ёшимдин гарчи кўз тушкунча пурнамдур манга.

Сокиё, жоми жаҳонбин тутки, андин кашф этай,
Ким кўп иш бу корғаҳ вазъида мубҳамдур манга?!

Дилбари оллида Мажнун нақди жон сарф этмади,
Эй Навоий, ишқ атвори мусалламдур манга!

13

То сенингдек котили хунхорас бордур манга,

Биллах, ар ўлмакдин ўзга чорае бордур манга!

Нўши жон ҳар бодаким аҳбоб ила нўш айладинг,
Гарчи ҳаргиз демадинг оворае бордур манга

Васли иқболию мен, ҳайҳот, басдур бу шараф,
Ким йироқдин давлати наззорае бордур манга

Деб эмиш ҳар кимда бор захме, отай марҳам бир ўк,
Шукр эрурким, ҳар сари мў ёрае бордур манга

Борди ул хуршиду ашким оқти, ваҳ, толеъ кўрунг
Ким, не янглиғ ахтари сайёрае бордур манга.

Сабр солдим кўнглума васлинг тилаб, ваҳ, бот келиб
Турфа кўрким, шиша ичра хорае бордур манга.

Дема кўп, эй нафским, дунё арусин ақд қил,
Уйда баъзидек соғин маккорае бордур манга.

Дев уруб ишки мажозий ичра мажнун айлаган,
Ёва дер, буким парий рухсорае бордур манга.

Эй Навоий, куймакимни қилмағайсен манъ, агар
Жон аро билсанг не оташпорае бордур манга!

14

Лабинг сори токим назардур манга,
Ёш ўрнида хуни жигардур манга.

Дема мендин айрил, доғи умр сур,
Ки ул умр ўлумдин батардур манга.

Туганлар дирам шаклидур зод учун,
Адам сари чунким сафардур манга.

Қилур айб ошиқлиғим барча халқ,
Улус айби, ваҳким, ҳунардур манга.

Табибо, яна сабрдин дема сўз,
Ки бу шарбатингдин зарардур манга.

Дема майни тарк этки, соқий юзи
Бу кўзгу аро жилвагардур манга.

Навоий, ул ой ҳажрида туну кун
Қотик шому тийра саҳардур манга.

Жавру зулмунг гарчи ўлмаклик нишонидур манга,
Чунки сендиндур ҳаёти жовидонидур манга.

Ул париваш ишқидин, носих, мени манъ этмаким,
Телбалик вақтию ошиқлик замонидур манга.

То ўқубмен ишқ ҳарфин дарс, такрори сабак
Вомиқу Фарҳоду Мажнун достонидур манга.

Музтарибмен чарх янглиғким, нуҷуми тийрадин
Танда ҳар кун юз туман доғи ниҳонидур манга.

Ҳеч ранже зоҳир ўлмай мен худ ўлдум, эй табиб,
Лек билким, қасди жон эткан фалонидур манга.

Эйки, дерсен ишқ аро ўлмак зиёндур, умр суд,
Ҳар не судидур санга, неким зиёнидур манга.

Кўрмишам вожиб бақосин равшан андоқким қуёш
Токи имкон соя янглиғ кўзда фонидур манга.

Бу фано дайрин бақосиз эрканин то англадим,
Эл суруди ишрати мотам фиғонидур манга.

Эй Навоий, воизу фирдавси аъло зикриким,
Боғи Хулд ул ҳурпайкар остонидур манга.

Қилди юз пора кўнгул бўлғали афғор санга,
Юз кўнгул бирла мени ишқ гирифтор санга.

Йўк бадан бирла кўнгулдин манга юз меҳнату дард
Ким, бўлубтур бадан афғору кўнгул зор санга.

Ғам туни субҳ тиларсен, кўнгул уз, захминг қўп,
Воқиф ўлким, дамидин етмасун озор санга.

Эйки, дерсен манга ошиқмусен, аҳволима бок,
Ваҳки, тил бирла нечук қилғамен изҳор санга?

Эйки, даврон ғамидин йўк сенга бир лаҳза амон,
Билки, хуш маъман эрур қулбаи хаммор санга.

Май ич, эй шайхки, матлуб юзи жилвасидин,
Қилмади манъ бажуз пардаи пиндор санга.

Васл кўйида, Навоий, турубон истама ёр,
Муддаи борида ул кўйда не бор санга.

17

Баҳона қатлимадур ишқдин фасона санга,
Қилурға қатл не ҳожатдурур баҳона санга.

Ўқи ўтунлари ичра сен ўтсен, эй кўнглум,
Бошоғлари учидан ҳар тараф забона санга.

Қурук таним ўқ учидин кўрунмас, эй чобук,
Яқин кетур, керак эрса сўнгак нишона санга.

Иҳота айладинг, эй баҳри ашк, ер қуррасин,
Ажаб эмастур, агар йўқтурур қарона санга.

Дам урма муғбачалар ишвасидин, эй зоҳид,
Вужуд нақшин оқизмай майи муғона санга.

Замона таркини ком айлабон ҳалос ўлғил,
Десангки, солмаса нокомлиғ замона санга.

Навоиё, ғами чун жону кўнглунг олди, не суд,
Суруди дилкаш ила жонфизо тарона санга.

18

Меҳнат ўқидин қабақдек қолмишам афғон аро,
Ким букун чобуксуворим йўқтурур майдон аро.

Тийраликдин кўр этибтур кўзларим ҳар қунги гард,
Ким бор эрди тўтиё бу дийдаи гирён аро.

Сенки майдон ичра йўқсен, пайқаредур жони йўк,
Ҳар парий пайқарки маркаб секретур жавлон аро.

Гарчи ҳар шўхе сураар майдонға ўқ янглиғ саманд,
Чун сенинг раҳшинг эмас, биллах, ўкедур жон аро.

Тер оқизған аблақингдектур сени келгайму деб,
Ҳар сари тушқан кўзум юз минг дури ғалтон аро.

Онсиз урмиш ҳалқа чобуклар, не янглиғ итмайин,
Ким кўрунмас зарра, хуршид ўлмаса даврон аро.

Меҳрдек гар тавсани гардунга мингилким, сипеҳр